



Эмульгаторлар озик-овкатга кўшилувчи кимёвий моддалар бўлиб, уни ишлаб чиқарувчилар айрим махсулотларга турли мақсадларда кўшадилар. Эмульсиялар бир-бирига хамжинс бўлган икки суюкликдан иборат моддадир. Олимлар айтишича, икки модда бир-бирига бутунлай киришиб кетмайди, балки уларда ўндан йигирма микрометр гача хажмда нукталар қолиб кетади. Безаш моддалари, озука аралашмалари, ускуна ёғлари ва ранглар эмульгаторлар хисобланади.

Эмульгаторларнинг айримлари махсулотдан хам кимматроқ бўлади. Улар махсулот рангининг чиройли, таъмининг ёқимли ва шаклининг гўзал бўлишини хамда ўзининг айнимаслигини таъминлаб беради. Истеъмомда энг кўп кўшиладиган эмульгатор йод бўлиб, уни буккок касаллигига қарши ишлатилади. Нон махсулотларига кўшиладиган хамиртуриш номли эмульгаторлар уларнинг кўпчиб, юмшоқ бўлишини таъминлаб беради. Айрим эмульгаторлар бошқа озик-овкатлардан олинади, айримлари эса ихтиро қилинади. Айримлар мазкур кўшимчаларни инсоннинг саломатлигига зарарли деб ўйлайдилар, вахоланки ушбу кимёвий моддаларнинг кўпи инсонлар бир неча асрлардан бери истеъмом қилиб келаётган озукаларнинг ичида табиий равишда пайдо бўлади. Озик-овкатларга кўшиладиган кўшимчаларнинг тури юздан ортик бўлиб, уларни олти синфга бўлиш мумкин.

1. Сакловчи.
2. Мукамаллаштирувчи.
3. Таъм берувчи.
4. Ранг берувчи.
5. Куйуклаштирувчи ва қотирувчи.
6. Эмульсия, стабилизатор ва куйуклаштирувчилар, хамда кислота ва алкоғоллар.

- Сакловчиларга мисол туз бўлиб, озик овкатларни айнитадиган бактерияларнинг пайдо бўлишидан химоя қилади. Сакловчи моддалар антиоксидинларга қарши бўлиб, ёғ ва ёғ моддаларининг айнимаслигини хамда озука рангининг бузилишини олдини олади.

- Мукаммаллаштирувчиларга озукалардаги “Б” витаминини кўпайтириш учун кўшиладиган темирлар, маъданлар ва витаминлар мисол бўла олади. “Б” витамини унга ҳам кўшилади. Нархи эса уннинг нархидан киммат туради. Ун ва бошка махсулотларга бу витаминни кўшиш жуда ҳам фойдалидир. Сутга кўшиладиган “Д” витамини болаларда учрайдиган “рахит”, “суяк мўртлиги” касалликларининг олдини олади.
 - Таъм берувчи эмульгаторлар табиий мевалар ва зираворларни ўз ичига олади. Бундан ташқари уларнинг музқаймоқка кўшиладиган “ванилин” га ўхшаш табиий бўлмаган кимёвийлари ҳам бор. “топо натрий” каби айрим моддаларнинг ўзида таъм ва хид бўлмасада, табиий озукаларнинг мазасини яхшилашга ёрдам беради.
 - Ранг берувчи эмульгаторлар кимёвий озукаларни табиий озукаларга ўхшатиш учун ишлатилади. Кимёвий маргарин ишлаб чиқарувчилар уни сарёгга ўхшатиш учун сарик ранг кўшадилар. Озик-овкат ишлаб чиқарувчи корхоналар махсулотларни консервалаш жараёнида табиий озукани тиклаш учун ҳам айрим махсулотларга керакли рангларни кўшадилар. Апелсинга ўхшаш айрим рангли эмульгаторларни махсулотни янада чиройли бўлиши учун ҳам кўшадилар.
 - Эмулсиялар, стабилизаторлар ва куйуклаштирувчилар эса махсулот ичидаги аралашмаларни бир бирига осонлик билан аралаштириш учун ишлатилади. Музқаймоқларга кўшиладиган “Алжин” эмульгатори махсулот ичидаги аралашмаларни бир- бирига кўшилиб, котишини таъминлайди. Стабилизаторлар ичида сутли шоколадга энг кўп ишлатиладиган “крожинин” махсулотни куйкумлашиб қолишдан саклайди. Пектин ва желатинлар эса мева мурабболари ва коктейлларга солинади.
 - Кислота ва спиртлар айрим озукаларда кимёвий мувозанатни ушлаб туришга хизмат килади. Спирт зайтун ва нўхотга ўхшаш озукалардаги кучли кислоталар таъсирини йўқотади. Лимон кислотаси мева шарбатларида чучуклик таъмини пайдо қилганидек, айрим кислоталар таомларда ўзгача бир таъм пайдо қилади. Карбоник кислотаси эса шарбатларни газлаштириш учун қўлланилади.
- Маълум ҳукуматлар озик овкатларга кўшиш мумкин бўлган моддалар учун катъий чегаралар белгиладилар. Конунлар ҳам озукаларга моддалар кўшиш жараёнини тартибга соладиган махсус асосларни белгилаб беради. Лекин мамлакатларда бу конунлар бир- биридан фарк қилади. Ушбу қоидаларга кўра айрим озукаларга маълум моддаларнигина кўшиш мумкин. Масалан, Европа ҳамжамияти умумий шаклда қўлланиладиган кўшимчаларнинг Европа ва умуман дунёда зарарсиз бўлганлари мундарижасини тайёрлаган. Озукаларнинг умумий ҳолда зарарсиз бўлишлиги хайвонлар устида олиб борилган тажрибаларга асосланган. Ушбу тажрибаларга таяниб инсон учун кунда озукаларга кўшиладиган моддалардан етарли микдори билиб олинган. Бу борада энг кўп изланиш олиб бораётган ташкилот - “JECFA”дир.

Эмульгаторларнинг хусусиятлари:

- Даволовчи моддаларни организмга яхши сингиши учун парчалаб бериш.
- Ёғ ва ёғга ўхшаш хидли махсулотларда ёқимсиз таъм ва хидларни йўқ қилиш.
- Дори таъсирини узайтириш ҳамда кобилиятига кўра функциясини орттириш.

- Сув салохияти арзон ҳамда даволовчи моддаларни парчаланишида кучли таъсирга эга манба хисобланади.

Эмульгаторлар ўз таркибидаги суюклик холатига кўра иккига бўлинади:

- Сувнинг ичида ёғ мавжуд бўлиши. Бунда зохирий холат эгаси сув, ичкиси эса ёғдир. Бунга сут мисол бўла олади, бу шаклда моддалардан сувни жозибадорлиги козонадиган гуммиарабикалар ишлатилади.
- Ёғнинг ичида сув бўлиши. Бу юкоридагининг акси бўлиб, ёғнинг жозибалигини каршилайдиган жун ёғи ва асал муми каби моддаларда кўлланилади. Бунга пишлок мисол бўла олади.

ТАОМ ВА ИЧИМЛИКЛАРГА КЎШИЛАДИГАН ЭМУЛЬГАТОРЛАР

Инсон истеъмом килганда саломатлигига зарар келтирадиган, келиб чиқиши номаълум бўлган, озик -овкат саноатида кўшиладиган эмульгаторларнинг шаръий ҳукми қандай? Бугунги кунда кўп учраётган муаммолардан бири озик-овкат ва дори-дармонларда ишлатилаётган эмульгаторларнинг ҳукмидир. “WIKIPEDIA” номли энциклопедия эмульгаторни шундай тарифлайди: “Озукага сифатини ўзгартириш учун, табиий рецептида бўлмаган ва мақсадли тайёрлов жараёнининг ҳар қандай босқичида аралашма ичига кўшиладиган моддадир”. Жумладан у махсулотни чиройли саклаш, хиссий ва табиий сифатларини яхшилаш, яхши сакланмаслик натижасида соғлиқка зарар келтирадиган турли захарланишлардан химоя қилиш мақсадларида кўшилади. Эмульгаторлар махсулотларнинг кўринишини чиройли қилиш билан бирга мазасини ҳам яхшилашда катта рол ўйнайди. Эмульгаторлар қаторига жуда кўп модда турларини киритиш мумкин.

Лекин айрим бир эмульгаторларнинг углеводородлар, бензопирен ва айрим анилин ранглари афлатоксинларга ўхшаб рақ касаллигига олиб боровчи модда эканлиги ҳеч қимга сир эмас. Селфоксимин ва метионин, хлорид азоти каби айрим моддалар ўзаро қўшилиш натижасида захар пайдо қилиши бунга мисол бўлади. Мутахассис олимлар ушбу моддаларни кучукда тажрибадан ўтказишганда қолиқи касаллигини келтириб чиқарган. Бу касалликнинг келиб чиқишига селфоксимин ва метионин моддалари сабаб бўлган. Бу маълумотларнинг барчаси доктор Иброҳим Афнаннинг эмульгаторлар хақидаги марузалирида келтирилган. Бундан ташқари ушбу моддаларнинг бир қанча салбий томонлари мавжуд бўлиб, уларнинг айримларини қискача келтирамиз:

1. Озукадаги айрим айбларни беркитишга хизмат қилиши.
2. Гоҳида махсулотнинг сифати зохирий кўринишни чиройли қилишга хизмат этиши.
3. Озик-овкат ишлаб чиқарувчилар эмульгаторларга суяниб, махсулотлардаги саломатликка риоя қилиш шартлирига бепарво бўлишлари.
4. Махсулотлардаги қимёвий жозибадорлик инсонларни, айниқса болаларни миқдордан кўп, зарар қиладиган даражада истеъмом қилишларига олиб бориши.

Эмульгаторлар хакида

(а)ни кўшди Abu Muslim

12.05.12 19:14 - Охири янгиланган 30.04.21 21:56

5. Айрим эмульгаторлар узок муддатли захарли таъсирга эга эканлиги.
6. Айрим бир ишлаб чиқарувчилар керакли меъёрга риоя қилмаслиги ва эмульгаторларнинг келиб чиқишига эътибор қилмаслиги. Масалан хайвон ёгидан олинган деб қайси хайвондан олинганлигига, желатинни хайвонданми ёки ўсимликдан олинганлигини эътибор қилиб аниқланмаслиги. Масаланинг асосий чигал томони ушбу эмульгаторларга инглизча харф билан "E" ни қўйиб, ортидан узундан узун сон қўйилишидир. Ушбу моддаларни фақат тўрт асосий қисмга бўлиш мумкин.

- I. E100 дан E199 гача ранг моддалари.
- II. E 200 E 299 гача сакловчи моддалар.
- III. E 300 E 399 гача антиоксидантлар.
- IV. E 400 E 499 гача эмульсия ва стабилизаторлар.

Дори дармон ишлаб чиқаришга алоқадор ҳукмлар

Азхар Университети конунчилик ва шариат факультетининг фикхий масалаларни мувофиқлаштириш қисми раиси, устоз доктор Абдулфаттоҳ Маҳмуд Идриснинг муқаддимаси

Бахсининг хулосаси

Муслмон давлатларга бошқа соҳаларда бўлгани каби дори дармон саноатида ҳам шаръий ҳаром бўлган нарсалар кириб келди. Бу моддалар ишлаб чиқариш жараёнида бутунлай хусусиятини йукотмасдан, балки ишлаб чиқарилувчи нарсалар билан аралашади ҳолос. Улар гарчи кўринишини йўқотсада ўз хусусият ва моддаларини саклаб қолади. Холбуки шариатдаги истиҳола номли ҳукм нарсани нажасликдан покликка ва ҳаромликдан ҳалолликка айланишига айтилади. Бу масаланинг ўзида ҳам уламоларнинг қарашлари турлидир. Ушбу дори дармонларни ишлаб чиқариш ҳукми муолажадаги истеъмолга бевосита боғлиқдир. Барча фуқаролар ишлаб чиқаришда нажас ва ҳаром қўшилиб, уларнинг айна йўқ бўлиб кетадими йўқми, даволанишда унинг ўрнини босадиган ҳалоли мавжуд бўлса, уларга зарурат йўқлигидан айрим фармацевтик маҳсулотларнинг ҳаромлигига иттифок қилишди.

Зарурат бўлганда, ундан бошқа мувоҳ дорилар даволаш учун топилмаган пайтда уларни истеъмол этиш ҳукмида ихтилоф қилишди. Ушбу фикрларнинг ичида шундай ҳолатларда барча зарурат шартлари топилганда истеъмол қилишнинг жоизлигини баён қилган фикр кучлироқдир. Шундан келиб чиқиб, даволаш учун ҳалол дори дармонлар топилганда

харом ва нажосатдан иборат дори дармон махсулотларни ишлаб чиқариш мумкин эмас. Аммо ушбу харом махсулотларни истеъмол қилишга зарурат ҳолати топилганда ва барча шартлари тўла бўлса, “заруратлар миқдори билан ўлчанади”, деган қоидага биноан ушбу харом махсулотларни зарурат ҳолатини у билан тўлдирадиган миқдорда ишлаб чиқариш албатта жоиздир. Бугун ушбу харом ва нажосатдан иборат махсулотлар ўрнини босадиган ҳалол махсулотларни ишлаб чиқариш мумкинлиги ҳеч қимга махфий эмас. Харом ё нажас аралашган махсулотларни ўрнини босадиган ҳалол махсулотлар етарли бўлиб, дори дармон мутахассислари харом ё нажас аралашган махсулотлар ўрнини босадиган бир қанча ҳалол махсулотларни амалда қашф қилдилар.

Муқаддима

Албатта бугунги кунда замонавий илм ва фан ҳар соҳада бўлгани каби тиббиёт соҳасида ҳам жуда катта ютуқ ва ихтироларга эришди. Айниқса дори-дармон соҳасида олдин маълум бўлмаган жуда кўп даволаш манбалари ва йўллари ихтиро қилинди. Ачинарлиси шундаки, ушбу қашфиётларнинг аксари мусулмон бўлмаган ўлкаларда, ислом ахлоқи ва қоида қонунларидан узок бўлган қишлоқ қўлларида қашф қилинмоқда. Мана шу сабабга кўра, ўз ихтиролари ва ишлаб чиқаришларида ҳеч қандай мусулмончилик маданиятига риоя қилмаган қишлоқларга қараб қолган мусулмонлар бугунги кунда жуда кўп масалаларда бир қанча муаммоларга тўқнашмоқдалар. Аллоҳ таолонинг бандаларига бўлган раҳмати туфайли, У шариатда қишлоқларга машаққат бўлмайдиган енгил ҳукмларни жорий қилган. Чунки шариат инсонларнинг ҳаёт кечиришлари йўлини тўсиш учун эмас, балки уларга енгиллатиш, ҳамда улардан машаққатни кўтариш мақсадида, ва ҳам ҳар қандай шароитда турмуш тарзлари талаб қиладиган шаръий эҳтиёжларини қондириш учун қелгандир. Ушбу баҳсимиз озуқа ва тиббиёт соҳасидаги замонавий махсулотлар туфайли айрим муаммоларни ўрганади ва айрим тавсияларни беради. Замонавий тиббиёт саноати борасидаги фикрий илтиҳод самарасини кўрсатиш учун қуйида ушбу баҳсга тегишли бир қанча масалалар қелтирилади.

1-боб: Замонавий айриб тиббий махсулотлардаги харом ёки нопок моддаларнинг ҳақиқати.

1-фасл: Замонавий айрим тиббий махсулотлардаги нопок моддалар.

1-баҳс: Чўчка аъзолари таркиби.

2-баҳс: Чўчка аъзоларида поклик муаммолари.

2-фасл: Замонавий айрим тиббий махсулотлардаги маст қилувчи моддалар.

3-баҳс: Тиббий саноатда спирт қўлланиши.

2-баҳс: Мастлик пайдо қилишда спиртнинг таъсири.

3-баҳс: Тиббий саноатда спирт қўллашнинг зарарлари.

4-баҳс: Айнан спиртнинг ҳукми.

5-баҳс: Мажбур бўлмаган ҳолатда спирт аралашган махсулотларни истеъмол қилишнинг ҳукми.

3-фасл: Замонавий айрим тиббий махсулотларда наркотик моддаларнинг кўллаш.

1-бахс: Кокаин, кодеин, героин, морфин.

2-бахс: Допинг ва кўзгатувчи моддаларнинг хакикати ва истеъмол килувчига таъсири.

3-бахс: Гипнотистик(ухлатувчи)ва седатив(тинчлантирувчи)моддалар хакикати ва истеъмол килувчига таъсири.

4-бахс: Гаплюциноген(вахмга солувчи)моддалар хакикати ва истеъмол килувчига тасири.

5-бахс: Ихтиёрий равишда наркотик моддаларни тановул килишнинг ҳукми.

2-боб: Саноатнинг нопок нарсаларни покизага, харом нарсаларни мубоҳга айлантиришдаги ўрни ва таъсири.

1-фасл: Истихола (нарсаларнинг кўриниши, хамда таркибий моддалари алмашуви) ва моддаларнинг бир-бирига киришиб кетиши ёки шунчаки аралашуви орасидаги фарқи.

1-бахс: Истихоланинг хакикати.

2-бахс: Истихола билан кимёвий аралашув ва бирикувнинг фарқи.

2-фасл: Харом ёки нопок нарсаларнинг ўзида истихоланинг таъсири.

3-фасл: Харом ёки нопок нарсаларда ишлаб чиқариш натижасидаги истихоланинг таъсири даражаси.

3-боб: Харом ёки нопок нарсаларни ўз ичига олган тиббий махсулотларни ишлаб чиқариш ҳукми

4-боб: Тиббий саноатда харом ёки нопок нарсаларнинг нечоғли ўзини ўзгартираолиш имконияти

1-фасл: Тиббий саноатда чўчка каби нопок нарсаларни ишлатиш ўрнини босадиган покиза нарсалар.

2-фасл: Тиббий саноатда спирт ишлатиш ўрнини босадиган жоиз нарсалар.

1- боб: Нопок ва харом нарсаларнинг айрим замонавий тиббий махсулотлардаги хакикати

Айрим тиббий махсулотлар таркиби Ислом шариатида кўра харом саналган моддаларни ўз ичига олган бўлиб, шариат уларни нопоклиги ёки маст килиши ва ё наркотик жихатидан харом қилгандир. Шунинг учун қуйида ҳозирги кундаги айрим озик-овқат ва дори-дармон ишлаб чиқариш саноатларида қўшилаётган ана шундай моддаларнинг хакикати баён қилинади.

1- фасл: Айрим замонавий тиббий махсулотлардаги нопок моддалар

1- бахс: Чўчка аъзолари таркиби

Тиббий майдондаги саноат махсулотларининг бир қанчасига ишлаб чиқариш пайтида чўчканинг айрим аъзолари қуйидаги шаклда қўшилади;

Биринчи: чўчка териси ва суяклари

Ушбу суяк ва терилардан химиявий йўллар билан чўчка желатини номли модда ишлаб

чикилади ва у икки навдан иборат:

Желатин(б)дори дармоларни кадоклаш жараёнида каттик желатинли капсулаларда жуда кенг кўламда тиббий саноатда қўлланилади.

Желатин(а)аксари озик-овкат саноатида ва куйидаги тиббий саноат махсулотларида ҳам ишлатилади:

- Пластмасли ёки каттик медицина капсулаларини, микро дориворлик капсулаларни тайёрлаш.
- Каттик ва юмшок, шунингдек ичига дармон тўлдирилган эмульция таблеткаларини тайёрлаш.
- Тиш пасталари, суспензий, маз суртмалари, помада ва кремлар ишлаб чиқариш.
- Тез эриб кетишнинг олдини олиш учун желатин билан усти ўралган фармацевтик таблеткалар ва айрим ашёлар ишлаб чиқариш.
- Баданда эриш хусусияти борлиги учунорка ва олд жинсий аъзоларга тегишли тиббий свечалар тайёрлаш.
- Жаррохликда ички кон кетишни ушлаб туришда, ҳамда теридаги куйиш ва хар кандай инфекцияларда қўллаш.
- Жаррохлик амалиёт ёки жарохатланиш сабабли йўкотилган коннинг ўрнини тўлдириш мақсадида, алтернатив ва ё кенгайтирувчи плазма ўрнида қўллаш.

Иккинчи: чўчка ёглари

Айрим дори турларида, малхамларда, кремларда, косметик моддаларда, тиббий совунларда, тиш пасталарида чўчка ёғи қўлланилади.

Учинчи: чўчка инсулини

Замонавий илм чўчканинг ошқозон ости безидан олинадиган инсулиннинг канд диибети касаллигида кондаги канд нормасини туширишда таъсир килишини исботлади. Кондаги канд нормасини туширувчи моддаларнинг аксари сигир ва чўчка ошқозон ости безидан олинадиган инсулинда ёки иккаласини бир таркибга келтириб қўшгандаги аралашмада топилади. Чунки тиббиётда канд диибетида энг кўзга кўринган даволаш усули инсулин билан хукна килиш бўлиб, бугун кунда энг кўп инсулин чўчкадан олинади.

Тўртинчи: чўчка гепарини

Гепарин шакаргугурт занжирларига ўхшаш бир бирига хамжинс бўлмаган кимёвий моддалардан таркиб топган кон томирларига бой аъзолардан олинадиган ёпишкок моддадир. У жумладан сигир ўпкаси ва чўчканинг ичаклари тўкималаридан, шунингдек бир канча тирик аъзолардан ҳам олинади. Масалан; ўпка, жигар, кораталок, биздон ва ичаклар хужайралари, оккон таначалари тўкималаридан олинади. Лекин сигир ўпкаси ва чўчка ичаклари тиббий гепариннинг турли шакллари ишлаб чиқаришда асос манба хисобланадилар. Хар бир гепарин(мг)100-300гача халқаро ме(IE)бирлигига тўгри келади. Гепарин турли фармацевтик шаклларга эгадир: мускулга ёки томирга килинадиган укол шакли, малхам(маз)лар, раствор, эмульсиялар. Гепариндан айрим касалликларни даъволашда ё олдини олишда истеъмом килинади. Куйида уни истеъмом килиш мумкин бўлган ўринларни зикр киламиз:

1. Юрак томирлари муолажаси. Бекарор ангина. Ўткир юрак касаллиги миокарда.
2. Бадандаги конни куюклашининг олдини олишда.
3. Кон томирларининг чуқур трамбозларини даволаш ва олдини олишда.
4. Амалиёт пайтида контомирларда коннининг куюлишининг олдини олиш ва буйрак етишмовчилиги касаллиги билан чалинганда

2- бахс: Чўчка аъзолари покизалик муаммолари

Барча фукаҳолар чўккани сўйиш билан халол бўлмаслигига, сўйилса ҳам барча аъзолари пок бўлмаслигига иттифок қилишди. Молиқийлар унинг жунини пок дейишади. Териси ошланса покланишини Зохирийлар, ҳамда бир ривоятда имом Абу Юсуф ва имом Молик (р.а) айтганлар.

Чўчка ўзи ва ҳам барча аъзолари ҳам нопок эканлигига Бақара сурасидаги оят далил бўлиб, ундаги “албатта у нажасдир” жумласидаги “у” замири Ибн Хумом, Албобратий, Ибн Хазмлар энг яқин сўзга, яъни изофаланган чўкканинг гўшти сўзидаги чўккага кайтади, десалар, Ибн Касир эса замир гўштга кайтади, дейдилар. Нима бўлганда ҳам икки қавлга кўра, чўчка аъзолари нопокдир, эҳтиёт юзасидан ҳукм қилинса, нопокликка унинг барча аъзолари дохилдир.

2- фасл: Замонавий айрим тиббий махсулотларда маст қилувчи моддалар

Айрим дори дармонларга ўз тафовутига қараб спирт ва шунга ўхшаш маст қилувчи ва наркотик моддалар қўшилади.

Биринчи бахс: дори дармон саноатида спирт моддасининг ишлатилиши

Аслидатурли маст қилувчи ичимликларда мастликни пайдо қилувчи бош омил спирт ҳисобланади. Тиббиётда қўлланадиган спирт эса этил, рангсиз, парланувчи, енгил ҳидли, сувга каттик мойил, таъми кескин, хавода ёнадиган, кислота ва металл билан реакцияга қирувчи суюқликдир. Одатда у ачитилган шакарли соклардан, крахмалли ва ширин ўсимликлардан тайёрланади.

Замонавий тиббиёт саноатида спиртни ишлатилиш турлари:

□ Микроб ва бактерияларни ўлдириш хусусиятидан келиб чиқиб узок муддатгача микроб, бактерия, микроорганизмларнинг пайдо бўлишининг олдини олиш учун озук ва тиббий дори дармонларга қўшилади. Ушбу вазифани махсулотнинг 20% фоизигача бўлган микдорда бажаради, акс холда у саломатликка зарар беради, хатто бўшашишлик, мастлик ва асаблар қучсизланишидан иборат касалликларни келтириб чиқаради.

□ Дори дармонларнинг ютумини осон қилиш мақсадида мазасини яхшилаб бериш учун қўшилади. Айрим холларда у махсулотнинг 50% фоизигача қисмини ташкил қилади. Барча суюқликлар, сироплар, хазм қилдирувчи моддаларга мазаси ютумли бўлиши учун спирт, баъзида арок қўшилади.

□ Дори-дармонларда доривор ўсимликлардаги таъсирли моддаларни йўқотиш учун қўлланилади. Тажрибалар шуни кўрсатадики, аксар ана шундай моддалар спирт ёрдамида эриб кетади ва олиб ташланмаслиги натижасида эса пастга тушиб тўпланади. Оқибатда таъсирли моддалар кўпайиб кетиб, истеъмол қилувчига жуда катта хавф тугдиради, хатто ўлимгача олиб бориши мумкин. Бундан ташқари у спиртдан бошқа

нарсада эримайдиган даволовчи моддаларга дори тайёрлаш асносида эриган холатга келтириш учун кўшилади.

Бундан ташқари парладиган моддаларга махсулотда яхши таъм ва ёқимли маза қолдириш мақсадида ва сувда эримаганлиги сабабли эритиш учун кўшилади.

□ Айрим дориларда спирт дори нархидан устун ўларок қўлланилади. Айниқса ёш болаларга бериладиган корин, буйрак санчигини қолдириш, йўтални тинчлантириш, уйқусизликда ухлатиш, судурги ва аллергияга қарши, бадан метил алкоғоли билан захарланганда, буйракни ювиш учун бериладиган дорилардаги каби.

2-бахс: Канд касаллиги пайдо бўлишида спиртниң таъсири

Спирт моддаси бир канча захардан иборат таркибга эга. У марказий нерв системасининг марказий нерв толаларини ухлатиш ва тўхташишга кодир захардир. У мияда наркотик ва енгил тинчлантирувчилик амалини бажаради. Уйқу ва мудрашни тезлаштиради. Конга аралашуви канча кучайса, таъсири шунча кўпаяди. Унинг 0,4%и мия фаолиятини тўхтатишга етарлидир. 0,40%да миянинг иш фаолияти тўхтаб, 0,50 %да миянинг нафас олиши яқунланади. Табиблар, химиклар ва бошқалар бир керакли микдордрги дори дармонлардаги спиртлар ҳам инсон саломатлигига зарарли эканини айтишган. Улардан баъзиларини мухтасар зикр қиламиз:

1. Кислота кўпайиши ва ошқозон яллиғланиши.
2. Болаларда мия фаолиятига зарарли таъсир қилади ва уларнинг ақл ва зехнлари ўсишига монеълик қилади.
3. Уламолар маст қилувчи нарсаларнинг айна ўзида ихтилоф қилишган.

Жумхур уламоларнинг наздида ҳамр деб, узумдан олинмаса ҳам барча маст қилувчи нарсаларга айтилади. Ханафийларда эса узумдан олинмаганларига ҳамр дейилмайди. Хулоса қилиб айтганда, жумхурда маст қилувчи модда нима бўлишидан қаттиқ назар уни харом, дейдилар. Ханафий мазҳабининг икки шайхи (Абу Ханифа ва Абу Юсуф) наздларида айрим маст қилувчи моддаларнинг маст қиладиган микдоридaginaси харом бўлади, дейдилар. Икки мазҳабнинг далилларига қараганда жумхурнинг далили қучлироқдир. Маст қилувчи ичимликнинг оз, кўп бўлишига қарамасдан, нимадан олинишидан қатъий назар, уларнинг барчасини ҳамр, яъни ароқ дейилади. Шунга қўра ишлаб чиқаришларда махсулот ичига оз микдорда спиртли моддалар қўшилган бўлсада истеъмол қилиш мумкин эмас. Фармацевт Абдул Охир фармацевтика илмий технологиясида бир канча эритувчилар қаторида сувни махсус шароитларда эритувчи эканлигини қашф қилингандан кейин, бу хусусда маст қилувчи моддаларга эҳтиёж қолмаганлигининг хабарини берди. Маст қилувчи моддаларнинг асосини спирт ташқил қилгани учун уламолар айна нажасми ё йўқлигида ихтилоф қилиб иккига бўлидилар. Биринчи қисм уламолар ҳамр нажасдир, дейдилар. Ушбу қавл ханафийлар моликийлар, шофеъларнинг барчаси, ханбалийлар ва Ибн Хазм, зохирийларникидир. Газзолий унинг нажосат эканига ижмо бўлганини нақл қилдилар. Ханафийлар эса уни қавл қабил оғир нажас эканини айтганлар. Иккинчи қисм уламолари айна нажас эмас, балки покдир, дейдилар. Ушбу қавл Рабиъа, Хасан Басрий, Лайс, Музаний ва айрим мутааххир моликийларнинг сўзларидир. Имом Шавқоний ва Санъонийлар ушбу қавлни рожиҳ қўришган.

2- боб: Саноатнинг нопок нарсаларни покизага, □ харом нарсаларни мубоҳга айлантқиришдаги ўрни, таъсири

Юкорида зикр килганимиздек, замонавий ишлаб чиқарилаётган махсулотларга турли йўллар билан харом ва нопок нарсалар, айримларига кимёвий ва кимёвий бўлмаган моддалар аралашади. Махсулотлар тайёр бўлиш асносида турли хароратларга йўликади. Окибатда нопок ё харом бўлган нарсаларнинг айна ўзгариб махсулотга аралашиб, сингиб кетиб, ишлаб чиқарилишдан олдинги ҳолатидан бошқа бир ҳолатга айланади. Булардан кейин махсулотларда харом ва нопок нарсалар ўзини қай даражада акс эттиради? Уламолар бу ҳақда қуйидагиларни баҳс қилишди:

1-фасл: Истихола (нарсаларнинг кўриниши ҳамда таркибий моддалари алмашуви) ва моддаларни бир бирига қиришиб кетиши ёки шунчаки аралашади орасидаги фарқи

1-бахс: Истихोलанинг хакикати

Фуқоҳолар урфидаги истихोलанинг маъноси

Ибн Обидиннинг таърифларига кўра: “Нажосатнинг айна ўзгариб, хакикати иккинчи хакикатга кўчиши”, дир.

Кимёгарлар урфида: Доктор Хавварий шундай таъриф қилади: “Кимёвий реакциялар (хар қандай ёғларни совунга айлантиргани каби) моддаларни иккинчи таркибга айлантиришига айтилади”.

2-бахс: Истихола билан кимёвий аралашув ва бирикунинг фарқи

Кимёвий аралашув: маъданларни кислота билан реакцияга келтириб, туз чиқаришга ўхшаш реакциялаштирилган моддалар хусусияти эриб кетиб, ўзи ўзгариб, окибатда янги моддалар пайдо бўлишига айтилади.

Моддаларнинг бирлашуви: Модда бўлаклари бир бирига бирикиб, ундан газ, суюқлик, юмшоқлик, каттик моддалар парчаланиши, ёпишқоқлик, эмулсиялар, қоришқоқлик пайдо бўлишига айтилади. Бунда барча модда аралашмасликдан олдинги табиий, кимёвий хусусиятларини ўзида сақлаб қолади. Бирикишдан сўнг пайдо бўлган ранг, таъмга ўхшаш айрим табиий кўринишлар хакикатга таъсир қилмайдиган, янги пайдо бўлган сифатлардир.

2 -фасл: Харом ёки нопок нарсаларнинг ўзида истихोलанинг таъсири □ хакида уламолар қарашлари.

Уламолар бу борада икки мазҳабга бўлинганлар:

Биринчи мазҳаб қарашлари:

Нопок нарсаларнинг тоза ёки харом нарсаларнинг ҳалол бўлишида истихолани ҳеч қандай таъсири йўқ. Балки нарса истихолодан олдинги ҳукми қандай бўлса ана шу ҳолда қолади. Бу шофиъий мазҳаби, ханбалий мазҳабининг зохири, баъзи ханафийлар ва моликийларнинг сўзлари.

Далиллари:

1. Ибн Аббос ривоят қилган: “Жаллоланинг сунни ичишдан қайтардилар” (Жаллола-Ўз нажосатини ейдиган ўй ҳайвонлари).

Ушбу ҳадиснинг далолати; нажас егани учун, еган нарсаси нажосат бўлгани сабабидан сунга айланса ҳам истихोलанинг таъсири йўқлигига далил бўлади.

2. Истисхоб. Ҳайвонлардан чиқадиган гўнг, чўчка ва кучук айна нажосат деб ҳукм қилинган бўлиб, айна нажосат деб ҳукм қилинган нарсалар ҳукми бошқа моддага истихола бўлса ҳам, айна йўқ бўлгунча истихолодан олдинги ҳукмга истисхоб бўлган

холда нажосатлиги кетмайди.

Иккинчи мазхаб карашлари:

Албатта нопок нарсаларни тоза килишда ёки харом нарсаларни халол килишда истихोलанинг таъсири бордир. Бу жумхур ханафийлар, моликийлар ва зохирий мазхабининг сўзлари.

Далиллари:

1. Ушбу оят покиза нарсаларнинг халоллиги ва пок бўлмаган нарсаларнинг харомлигига далолат килмоқда. Истихолода нопок нарсанинг сифатлари кеткизилиб покиза холатга келтирилади.
2. Ибни Аббос ривоят килган хадис: “Хар қандай тери ошланса тозадир.”
3. Киёс. Хар қандай нажосат нарсабошка нарсага айланса, арокнинг сиркага айланганига киёс килган холда покдир.

Муаллиф наздида далиллари кучлироқ эканлигидан биринчи кавл рожихдир. Истихолода асосан айний хакикат ва сифатлар ўзгариши шарт килинади. Тери ошланиши масаласида тери ошланишдан олдин ҳам, кейин ҳам терилигича колмоқда. Худди шундай жаллола(нажас еган гўшти ва ё сути ичиладиган уй хайвони) махсулотларидан истеъмом килиш нажаснинг айнан истихоло бўлишига далил эмас. Камаб кўйишдан олдинги ва ё кейинги жаллоладан мубох бўлган махсулотларнинг айний хакикати бирдир. Балки уни нажас егани учун махсулотини истеъмом килиш харомлиги истихолани нарсаларни ўзгартиришда таъсири йўклигига далилдир, дейдилар.

3-фасл: Ишлаб чиқариш натижасида харом ёки нопок нарсалар айнида истихोलанинг қай даражада таъсири

Фармацевтика саноатида ишлатилаётган харом ёки маст килувчи ёки нопок моддаларга караладиган бўлса, уларнинг айримларидан тайёрланган махсулотда, дори дармонларда истихоло холати кузатилади, айримларида эса кузатилмайди.

Жумладан чўчка суяклари ва терисидан олинadиган желатин моддалари ишлаб чиқариш жараёнида аслийсидан фаркли ўларок физиологик ва кимёвий сифатларга эга бошка моддага истихоло бўлсада, асл чўчкалик моддалари ундан тайёрланган махсулотда бутунлай истихолога кирмайди. Шу муносабатдан келиб чиқиб, Мисрдаги тиббий желатинли махсулотлар ишлаб чиқарувчи араб ширкати раиси, академик, доктор Вафик Шарковий чўчкалар териси ва суяклари фақат жузъий ўзгариб, аммо бутунлай истихоло бўлмаслигини ва уларни хатто тайёрланган махсулотлар ичидан ҳам махсус химикатлар ёрдамида, чўчка териси ва суягидан олинганми, йўқми билса бўлади. Чунки бу чўчка желатинида айрим ўзига хос хусусиятлари борлигидандир, дейдилар. Академик доктор Лайло Абдулфаттохнинг берган тарифига кўра, чўчка ёғи ҳам худди суяклари ва териси каби айрим махсулотларда истихоло бўлса, айримларида истихоло бўлмайди. Чўчка ёғи билан бошка хайвонлар ёки ўсимлик ёғларининг тахлилидан хулоса аникландики, чўчка ёғи бошка ёғлардан таркибидаги гилсрида моддаси борлиги, ҳамда ичидаги тўк ёғли кислоталар билан фаркланади. Худди шундай чўчка ошқозон ости безидан олинadига инсулин ҳам дориларда ўз физик ва химик сифатларини саклаб қолади. Фақат унинг ошқозонидан ва бошка тирик аъзоларидан олинadиган гепарит моддасигина фаркли бўлиб, у бутунлай истихолани қабул қилади. Лекин бунда ҳам махсулотга харом кўшилганда у билан даволаниш жоиз ва ёки жоиз эмаслиги ва истихोलанинг харом

нарсаларни ҳалол бўлишига қай даражада таъсирга қаралади.

3- боб: Харом ёки нопок нарсаларни ўз ичига олган тиббий маҳсулотларни ишлаб чиқариш ҳукми

Юқоридаги барча бахслардан кейин уламолар ихтиёрий равшда. (ихтиёрий ҳолат ҳаром дори дармон ўрнига даволаш учун ҳалоли топилмаган, табиб касалнинг дардини даволашга ҳосламаган.) ҳаром ва наҳас нарсалар билан даволанишни ҳаром эканига иттифок қилишди.

Фуқоҳолар зарурат юзасидан ҳаромни истеъмол қилишда икки фикрга бўлиндилар.

1- Жоиз деганлар. Улар айрим ханафийлар, шофеъилар ва зоҳирий мазҳаб эгалари. Далиллари:

Аллоҳ ҳаром қилганларининг ичида зарурат бўлганда соқит қилди. Даволаниш ҳам зарурат ўринларидандир. Ушбу оятга суяниб, зарурат пайтида ҳаромни истеъмол қилиш мувоҳидир.

Урайна ҳадиси. Урайна қабиласидан қилганлар қоринлари шишганидан шикоят қилдилар. Расулulloҳ (с.а.в) уларга туя сути ва бавлидан ичишга руҳсат берадилар. Кейин улар шифо топадилар.

2- Жоиз эмас деганлар. Жумҳур ханафийлар, моликийлар, айрим шофеъийлар ва ханбалийлар.

Далиллари:

Оятда Аллоҳ таоло нопок нарсаларнинг барча кўринишидаги истеъмолини ҳаром қилди. Умму Салама (р.а) онамиздан ривоят қилинган ҳадис: “Албатта Аллоҳ ҳаром қилган нарсаларда умматимга шифо қилмади.”

Мусаннифнинг фикрича рожих қавл биринчи мазҳаб эгалари бўлиб, барча шартларига риоя қилган ҳолда инсон саломатлиги ва ҳаётини сақлаб қолиш борасида у қавл қучқидир. Иккинчи мазҳабнинг далилларини зарурат бўлмаган ёки айрим шартлари топилмаган ҳолатга йўйилади. Зарурат пайтида ҳаромлик кўтарилади, шунда у мувоҳ билан даволанган ҳисобланади. Шундан қелиб қикиб, ҳалол кўшимчалар кўшиш имкони бўла туриб ҳаром кўшимчалар кўшиш мумкин эмас. Қерак бўлган тақдирда оддий ва дори-дармон билан даволаш учун ҳаром, наркотик, маст қилувчи ва нопок нарсалар кўшилган маҳсулотни қомил мусулмон табиб тавсияси билан ва ундан бошқа даво топилмаган пайтда истемол қилиниши жоиздир.

4- боб: Фармацевтика саноатда ҳаром ёки нопок нарсалар ўрнига покизасини алмаштириш имконияти

1-фасл: Тиббий саноатда чўчка қабил нопок ҳисобланган нарсаларни ишлатиш ўрнини босадиган покиза нарсалар

Асли чўчкадан тайёрланган дори дармон, озик овқатларга кўшилаётган инсулин, гепурин ва желатин эмульгаторларни тайёрлашда, мусулмон ўлкаларида йилига бир қанча миллиард миқдорида сўйиладиган туя, сигир, қўй ва эчкиларнинг аъзоларидан олса ҳам бўлади.

2- фасл: Тиббий саноатда спирт ишлатиш ўрнини босадиган жоиз нарсалар

Дунё фармацевтик саноатида қелиб қикараётган зарарларига кўра спиртни ишлатмаслик йўлга қўйилмоқда. Бу ҳақда доктор Аҳмад Ражой шундай дейди: тажрибалар шуни кўрсатмоқда бундан кейин иложи борица айниқса ёш болалар ва

хомиладорларга хос дори дармонларда спирт моддаси кўшилмайди. Тиббий илмлар Исломиё канфренсияси бу хакда катта муваффакиятли ишларни амалга ошириб жумладан спиртсиз дори дармон ишлаб чиқаришга ҳам муваффақ бўлдилар. Профессор Мухаммад Абдуссалом шундай дейди: дори дармон саноатида жуда ҳам кўп дориларда, хатто ёш болалар ва хомиладорлар дорисида ҳам спиртни парчаловчи вазифасида кўллаш кенгаймоқда. Дунё согликни сақлаш ташкилотининг Женевадаги 7-курултойида 4-5/10/1985 фармацевтлар ва фармацевт химиклар орасида спирт моддалари ўрнига спиртсиз бошка разбавател, сакловчи, ютимни осон килувчи шаклдаги моддалар кўшишга шартнома имзоланди. Хакикатда ҳам бир канча дори дармонни дунёни турли ўлкаларига экспорт килувчи ширкатлар томондан бу амалга ошди. Доктор Ахмад Абулвафо ушбу дорилардан 73 навини зикр килди.

Хотима

Ислом оламида ишлаб чиқарилган ёки унга бошка гайриисломий ўлкалардан келтирилган дори дармонлар саноати воқеийлигини тезкор рисоласидан кейин куйидагиларни хулоса киламиз:

1. Юкорида атилганидек, айрим нопок моддалар ичига кўшилган дорилар ишлаб чиқариш жараёнида истихолога учрамайди, инструкциясида дорининг ичидаги бошка таркиблар билан аралашади. Ушбу аралашуш эса унинг хакикати ва сифатини ўзгартирмайди. Шунингдек аксар нажас ва харомлар ҳам тўлақонли истихоло бўлмайди. Чунки унинг айна, сифати ва хусусиятлари олдингисидек қолаверади.
2. Фуқоҳолар нопок нарсаларни айнининг ўзгаришида истихоланинг таъсири масаласида бир хил карашда эмаслар. Истихоланинг таъсирига таслим бўлганда ҳам, нопок нарсалар кўшиб дори тайёрлаш ҳукми, уни истеъмол килиш ҳукми билан тенгдир.
3. Уламолар бир овоздан, ишлаб чиқаришда харом кўшилган махсулотларнинг истеъмолини модомики ихтиёрий холда бўлса, кўшилган харом модда йўқ бўлиш ва бўлмаслигига карамай, харом дейишган. Юкоридагига кўшимча холда айтамизки, хожат бўлмаганда, ўрнига халоли топилганда ва топиш узрли бўлмаганда уларни ишлаб чиқариш ҳам харом бўлади.
4. Зарурат пайтида ва заруратнинг барча шартлари топилганда, таркибида нопок ва харом мавжуд бўлган дори дармонларни эҳтиёж миқдорида истеъмол килиш жоиздир.
5. Таркибида харом модда мавжуд дориларни зарурат миқдорича ишлаб чиқариш, унинг истеъмоли каби ҳукмга эгадир.

Саудия доимий уламолар кўмитаси фатволари

Инсоннинг кундалик эҳтиёжлари ҳисобланган махсулотларни хайвон ёки ўсимлик

моддаларидан олиниши керак.

Инсоннинг кундалик эhtiёжларини кондирадиган аксар махсулотлардаги эмульгаторлар масдари икки нарсадан холи эмас. Биринчиси хайвон аъзолари. Иккинчиси ўсимлик ва кимёвий моддалар. Хайвонлардан олинадигани ҳам иккига бўлинади.

1. Гўшти халол ва шаръий йўл билан сўйилган ва денгиз хайвонлари.

2. Гўшти харом хайвонлар ва ўлаксалар.

Бир катор уламолар агар киши истеъмом киладиган махсулотда иккинчи қисм хайвонлар борлигида гумон қилса, Расулulloх (с.а.в)нинг: “Шубхаланган нарсангни тарк қилиб, шубхаланмаган нарсангга ўт”, деган сўзларига биноан уни тарк қилмоғи керак ва истеъмоли жоиз эмас, деганлар.

1995-йил, 22-24-май, 1415-хижрий йил, 22-24-зулхижжа Кувайт давлатида “Озик овқат ва дори дармонлардаги харом ва нопок моддалар” мавзусида Тиббий илмлар бўйича исломий ташкилотининг анжуманида бир канча қарорлар қабул қилинди.

1. Пишлоқлар, турли ёғлар, қаймоқ, бисквит, шоколад, музқаймоқ ва х.к махсулот таркибига; уламоларнинг чўчка ёғи нажосатлиги ва уни ейиш халолмаслиги, натижада музтарлик йўқлигига ижмо қилганлари сабабли айни ўзгармаган чўчка ёғи кўшилган озуқалар харомдир. Ўша моддалар қачонки бошқа бир моддага айланса уламолар наздида истиҳола деган қоидага биноан асл ҳукми ўзгаради. Бу икки жиҳатдан эътиборлидир. Биринчи жиҳат: ўзи халол бўла туриб, нажосатга айланса харом ҳукмини олади. Иккинчи жиҳат: ўзи нажас ва нопок бўлиб, халол ва покизага айланса мубоҳ ва халол ҳукмини олади.

2. Саккизинчи қарорда эса истиҳола қоидасига кўра бир моддани айни ҳам сифати ҳам иккинчи моддага айланганидан нажасни тозага тозани нажасга айлантиради. Шунга биноан: нопок хайвоннинг суяғи, териси вапайларидан истиҳола йўли орқали тайёрланган желатин эмульгаторлари пок ва халолдир. Ўлимтик ва чўчка ёғларидан истиҳола йўли билан ишлаб чиқарилган совун ва парфюмерия махсулотлари истиҳола деб аталган қоидага кўра покиза ва дурустга айланади. Гўшти халол, ейиладиган бузукчалар киндик сувидан тайёрланган пишлоқлар покдир. Чўчка ёғидан тайёрланган ва бутунлай айни ва сифати истиҳола бўлмаган барча турдаги парфюмерия турлари крем ва балзамлар харомдир ва ишлатиш жоиз эмас. Қачонки ёғлик хусусияти ва айни ўзгарсагина ишлатиш жоиз бўлади.

Пайгамбар (с.а.в): “Овланган халол нарсани сувга чўккан холда (чўкиб ўлганми ёки унинг ўқи билан ўлганми билинмагани учун) топилганда ейишдан қайтарганлар.”

Пайгамбар (с.а.в): “Овлаётган итингга бошқа итлар кўшилганини кўрсанг ема. Чунки сен ўзингнинг итинг учун “бисмиллаҳ” дегансан қолганларга эмас.”

Юқоридаги ҳадисларда ҳукмга энг яқин сифатлар хилофи топилмагани учун истисхоб(аниқ бўлганидан охириги кўринган сифат ё холатни қўлламоқ) қилинмоқда.

Забихаларда асли харомлик устундир. Шунинг учун мубоҳ қилувчи шарт топилмаганда, аслидаги харомлик боқий қолади.

Агар эмульгаторлар кимёвий ёки табиий бўладиган бўлса истеъмоли жоиздир. Агар бошқаларига кўшилиб ё ўзи зарарли ва захарли холатга айланса ундан қайтарилади ва истеъмоли ножоиз бўлади.

Мусулмон киши овқатида, ичимлигида, либосида ва хаётининг барча жабхаларида эhtiётқор бўлмоғи лозим.

Доимий кўмита уламоларидан баъзи бир кундалик тозалик воситаларида жумладан camay, palmolive совунларида colgate тиш пастасида чўчка ёғи борлиги хакида сўралди.

Эмульгаторлар хакида

(а)ни қўшди Abu Muslim

12.05.12 19:14 - Охирги янгиланган 30.04.21 21:56

Бу шунчаки таркатилган хабар, миш-мишдан бошқа нарса эмас.

Кимёвий пишлоклар таркибида ҳам чўчка ёғи бор, деган миш-миш кўп таркалди. Амалда эса бу ўз исботини топмади. Аслида нарсаларда поклик устувордир. Шунинг учун кимда-ким бир махсулотда аник чўчка моддалари борлигини билса, ё гумони кўпрок бўлса унда истеъмоли дуруст эмас.

Мухаммад Аюб Усмон

Имом Мухаммад Мунаввар

Фазлуддин Сувон

Масъул мухаррир: Мухаммад Аюб Усмон